(54) Визуал ҳаракатнинг динамик эффектини ҳосил қилувчи қурилма ва уни тайёрлаш усули

Устройство, производящее динамический эффект визуального движения, и способ его изготовления

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** ҳужжатлар ва буюмларни ҳимоялаш, айнан банкнотлар, қимматли қоғозлар ёки умуман буюмни, ҳимоялаш учун қиялантирганда визуал ҳаракат эффектини ҳосил қиладиган қурилма. **Вазифаси:** банкнотлар, қимматли қоғозлар ёки умуман буюмнинг ҳимояланиш даражасини ошириш. **Ихтиро моҳияти:** банкнотлар, қимматли қоғозлар ёки буюмни қалбакилаштиришдан ҳимоялаш қурилмаси (S) тагликни, ушбу (S) таглик устида (M1, M2) шаффоф боғловчи моддадаги (PI, P2) пигментнинг ориентирланган зарраларини ўз ичига олган биринчи (1) ва иккинчи (2) қотирилган қопламаларнинг бирга кўринадиган соҳалари тўпламини ўз ичига олади, кўрсатилган биринчи (1) қотирилган қоплама пигмент зарраларининг биринчи эгилган сиртни имитацияладиган ориентацияга эга, кўрсатилган иккинчи (2) қотирилган қоплама эса пигмент зарраларининг кўрсатилган биринчи эгилган сиртдан фарқ қиладиган иккинчи эгилган сиртни имитацияладиган ориентацияга эга. Қопламалар бир-биридан алоҳида, бир-бирининг устига ёки шаффоф тагликнинг икки томонига шаффофлик функциясини амалга оширган ҳолда жойлаштирилиши мумкин. Қурилма унинг чизиқли қисмида узунлиги бўйлаб камида битта кўрсатилган иккинчи (2) қотирилган қоплама иккита кўрсатилган биринчи (1) қотирилган қоплама орасига ёнма-ён жойлаштирилганлиги билан фарқланади. Бундай қурилмани тайёрлаш усули, кўрсатилган қурилмадан фойдаланиш, кўрсатилган қурилмани ўз ичига олган ҳимояланган ҳужжатлар келтирилган. Мазкур усул шунингдек, ориентациялаш босқичлари билан алмаштириладиган кетма-кет танлаб қотириш босқичларини ўз ичига олади.

Использование: защита документов или изделий, а именно устройство для защиты банкнот, ценных бумаг или изделия в целом, создающее эффект визуального движения при наклоне. **Задача:** повышение степени защищенности банкнот, ценных бумаг или изделия в целом. **Сущность изобретения:** устройство защиты от подделки банкнот, ценных бумаг или изделий содержит подложку (S) и на данной подложке (S) множество совместно видимых зон первого (1) и второго (2) отвержденных покрытий, содержащих ориентированные частицы (PI, P2)

пигмента в прозрачном связующем веществе (M1, M2). Указанное первое (1) отвержденное покрытие имеет ориентацию пигментных частиц, имитирующую первую изогнутую поверхность, а указанное второе (2) отвержденное покрытие имеет ориентацию пигментных частиц, имитирующую вторую изогнутую поверхность, отличную от указанной первой изогнутой поверхности. Покрытия могут быть расположены отдельно друг от друга, поверх друг друга и/или на обеих сторонах прозрачной подложки так, чтобы реализовать функцию прозрачности. Устройство отличается тем, что вдоль линейной части на протяжении устройства, по меньшей мере, одна зона указанного второго (2) отвержденного покрытия смежно расположена между двумя зонами указанного первого (1) отвержденного покрытия. Способ изготовления такого устройства, использование указанного устройства, как и защищенные документы, содержащие указанное устройство. Настоящий способ также включает этапы последовательного выборочного отверждения, чередующиеся с этапами ориентирования.

B 27

(13) В
 (21) IAP 2013 0358 (22) 02.09.2013
 (51) 8 В 27 L 11/00
 (71) (72) Уманский Самсон Иосифович, UZ
 (54) Дарахт чикиндиларини майдалаш курилмаси
 Измельчитель древесных отходов

(57) *Фойдаланиш соҳаси:* қайта ишлаш сааноати, хусусан, боғдорчиликда, ўрмончиликда ёғочни қайта ишлаш. *Вазифаси:* бажарувчи механизмни содалаштириш ва арзонлаштириш, оператор ишининг хавфсизлигини ошириш. *Ихтиро моҳияти:* дарахт чикиндиларини майдалаш курилмаси ёғочли ишлов бериш плитасига эга бўлган таянч рамасини ўз ичига олади. Бу плита устига эксплуатациядан чиқарилган автомобил тирсақли валидан чиқарилган шарнирли боғланган шатунлар билан галма-гал суриладиган чизикли пичоклари бўлган ричаглар жойлаштирилган. Бунда пичоклари ёки пичоқ тўпламлари бўлган ричаглар плита устига кўзгалмас ўқда тебраниш имкониятига эга ҳолда тақсимланган.

Использование: перерабатывающая промышленность, в частности, переработка отходов

древесины в садоводстве, лесничестве. *Задача:* упрощение и удешевление исполнительного механизма, повышение безопасности работы оператора. *Сущность изобретения:* измельчитель древесных отходов содержит опорную раму с деревянной разделочной плитой, наклон которой выполняется выдвиганием опорных ног рамы. Над этой плитой размещены рычаги с линейными ножами, совершающими попеременные перемещения от разделочной плиты вместе с шарнирно соединенными шатунами выведенного из эксплуатации автомобильного коленчатого вала. При этом рычаги с ножами или пакетами ножей распределены над плитой с возможностью качания на неподвижной оси.

С бўлими
КИМЁ ВА МЕТАЛЛУРГИЯ

Раздел С
ХИМИЯ И МЕТАЛЛУРГИЯ

C 01

(13) В
 (21) IAP 2013 0375 (22) 17.02.2012
 (51) 8 C 01 B 17/04
 (31)(32)(33) 61/444,383, 18.02.2011, US
 (71) СИМЕНС ЭНЕРДЖИ, ИНК., US; НЕКСЕН ЭНЕРДЖИ ЮЭлСи, СА
 (72) ФЕЛЧ, Чад Л., ПАТТЕРСОН, Мэттью, КАМФЕР, Брайан Дж., ШЛОЙСНЕР, Тимоти Дж., US; КЕРР, Ричард Келсо, СА
 (85) 11.09.2013
 (86) 17.02.2012, PCT/US2012/025535
 (87) 23.08.2012 WO 2012/112826
 (54) Регенерацияланган йодли эритмадан фойдаланиб водород сульфидни олтингургуртга айлантириш
 Превращение сероводорода в серу с использованием регенерированного йодного раствора

(57) *Фойдаланиш соҳаси:* аорганик кимё, айнан, таркибида водород сульфид (H_2S) бўлган газ оқимидан олтингургуртни чиқариб ташлаш тизимлари ва усуллари. *Вазифаси:* таркибида газсимон водород сульфид (H_2S) бўлган газ оқимидаги олтингургурт микдорини аниқланмайдиган даражагача камайтириш. *Ихтиро моҳияти:* таркибида водород сульфид (H_2S) бўлган газ оқимидан олтингургуртни чиқариб ташлаш тизимлари ва усуллари келтирилган. Усул таркибида йодид ва олтингургурт бўлган оқимни олиш учун газсимон водород сульфид-

нинг йод билан реакциясини, таркибида йодид бўлган алоҳида оқимни олиш учун оқимдан олтингургуртни чиқариб ташлашни, ва йодли оқимни олиш учун таркибида йодид бўлган алоҳида оқимнинг сувли муҳитдаги кислород манбаи билан берилган ҳарорат ва берилган босимдаги реакциясини ўз ичига олади. Усул қўшимча равишда таркибида йод бўлган оқимдан камида йоднинг бир қисмини ажратиш олишни ўз ичига олиши мумкин. Амалга оширишнинг бир вариантыда усул қўшимча равишда регенерацияланган йоднинг камида бир қисмини газсимон водород сульфидга киритишни ўз ичига олиши мумкин.

Использование: неорганическая химия, а именно системы и способы удаления серы из газового потока, содержащего сероводород (H_2S). **Задача:** уменьшение содержания серы в газовом потоке, содержащем газообразный сероводород (H_2S), до уровня, который является необнаружимым. **Сущность изобретения:** системы и способы для удаления серы из газового потока, содержащего сероводород (H_2S). Способ включает реакцию газообразного сероводорода с йодом для получения потока, содержащего йодид и серу, удаление серы из потока для получения отдельного потока, содержащего йодид, и реакцию отдельного потока, содержащего йодид, с источником кислорода в водной среде при заданной температуре и заданном давлении для получения потока, содержащего йод. Способ может дополнительно включать извлечение, по меньшей мере, части йода из потока, содержащего йод. В одном варианте осуществления способ может дополнительно включать введение, по меньшей мере, части регенерированного йода в газообразный сероводород.

(13) В

(21) IAP 2013 0401

(22) 25.09.2013

(51) 8 C 01 D 7/18

(71) Тошкент кимё-технология институти, UZ
Ташкентский химико-технологический институт, UZ

(72) Эркаев Актам Улашевич, Кошанова Биби-гуль Турганбаевна, Тоиров Зокир Каландарович, Шарипова Хабиба Тешаевна, Кучаров Бахром Хайруллаевич, UZ

(54) Натрий бикарбонатни олиш усули
Способ получения бикарбоната натрия

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** синтетик ювиш воситаларини ишлаб чиқаришда, рангли металлургия, кимё, нефтни қайта ишлаш шиша ва бошқа саноат турларида ишлатиладиланган кальцинацияланган содани олиш технологияси. **Вазифаси:** кальцинацияланган содани олишда чиқиндиларни бартараф этиш, паст навли сульфат хом ашёсини ишга солиш, технологияни содалаштириш, қўшимча азотли ўғит аммоний сульфатини олиш. **Ихтиро моҳияти:** паст навли натрийли тузни қайтарилма қўр эритма иштирокида эритиш, тозаланган натрий сульфати эритмасига аммоний бикарбонати суспензиясини қўшиш, натрий бикарбонати қаттиқ чўкмасини ажратиш кейин аммоний сульфатини ажратиш олиш ва таркибида филтратлар бўлган натрий ва аммоний сульфат-карбонатни натрий сульфати эритмасини тайёрлаш босқичига қайтаришни ўз ичига олади.

Использование: технология получения кальцинированной соды, применяемой в производстве синтетических моющих средств, цветной металлургии, химической, нефтеперерабатывающей, стекольной и других видов промышленности. **Задача:** предотвращение отходов при получении кальцинированной соды, использование низкосортного сульфатного сырья, упрощение технологии, получение побочного, азотного удобрения - сульфата аммония. **Сущность изобретения:** растворение низкосортной натриевой соли в присутствии оборотного маточного раствора, добавление к очищенному раствору сульфата натрия суспензии бикарбоната аммония, отделение твердого осадка бикарбоната натрия с дальнейшим отделением сульфата аммония и возвращение сульфат-карбонат натрия и аммония, содержащего фильтраты, на стадию приготовления раствора сульфата натрия.

С 02

(13) В

(21) IAP 2013 0382

(22) 12.09.2011

(51) 8 C 02 F 1/00

(31)(32)(33) 61/469,537, 30.03.2011, US

(31)(32)(33) 13/136,474, 01.08.2011, US

(71) КРИСТАЛ ЛАГУНС (КЮРАСАО) Б.В., NL

(72) ФИШМАНН, Т., Фернандо, CL

(85) 16.09.2013

(86) 12.09.2011, PCT/US2011/051236

(87) 04.10.2012, WO 2012/134526

(54) Саноат мақсадларида ишлатиладиган сувга ишлов бериш усули ва тизими
Способ и система обработки воды, используемой для промышленных целей

(57) Фойдаланиш соҳаси: саноат жараёнларида сувга ишлов бериш усули ва тизими. **Вазифаси:** саноат мақсадларида ишлатиладиган сувга ишлов беришнинг сарфланадиган ҳарajatларни камайтирадиган усуллари ва тизимларини излаш. **Ихтиро моҳияти:** сувга ишлов беришнинг саноат жараёнларида фойдаланиш учун мўлжалланган сарфланадиган ҳарajatлари камайтирилган ва сувни тозалашни ва сувнинг умумий ҳажмидан кичик бир қисмини филтрлаш ёрдамида сувдаги муаллақ қаттиқ зарраларни йўқотишни таъминлайдиган усули қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) эритилган қаттиқ моддаларнинг умумий сони 60000 ppmгача бўлган концентрацияли сувни тўплаш;

б) кўрсатилган сувни камида битта контейнерда сақлашни, бунда кўрсатилган контейнер ҳаракатчан сўриб олиш воситаси ёрдамида яхшилаб тозалаш мумкин бўлган ҳолда ишланган тубга эга;

в) 7 суткалик муддат давомида:

1) сувнинг 35°C гача бўлган ҳарорати учун – кўрсатилган сувнинг оксидлаш-қайтариш потенциалини (ОҚП) энг камида 1 соат муддатда сувга ҳароратнинг ҳар бир Цельсий градусига дезинфекцияловчи модда қўшиш йўли билан камида 500 мВ миқдорда ушлаб туриш;

2) сувнинг 35°C дан ортиқ ва 69°C ҳарорати учун – кўрсатилган сувнинг ОҚПни энг кам соатлар давомида сувга дезинфекцияловчи модда қўшиш йўли билан камида 500 мВ миқдорда ушлаб туриш, бунда энг кам соатлар сони қуйидаги тенглама бўйича ҳисобланади:

$(35 \text{ соат}) - (\text{сувнинг } ^\circ\text{C даги ҳарорати} - 35) = \text{энг кам соатлар сони, ва}$

3) сувнинг 70°C ва ундан ортиқ ҳарорати учун – кўрсатилган сувнинг ОҚПни энг кам соатларнинг 1 соатлик муддати давомида камида 500 мВ миқдорда ушлаб туриш;

г) қуйидаги операцияларни мувофиқлаштириш воситаси ёрдамида фаоллаштириш, бунда ушбу операциялар сувни тозалашни ва сувнинг умумий ҳажмидан фақат кичик бир қисмини филтрлаш йўли билан сувдаги муаллақ қаттиқ зарраларни йўқотишни таъминлайди:

1) темир ва марганец концентрациясини 1 ppmдан ошиб кетишини бартараф этиш учун оксидловчи моддаларни киритиш;

2) хиралик 5 НЕМдан ppmдан ошиб кетишини бартараф этиш учун коагулянтлар, флокулянтларни ёки уларнинг аралашмаларини киритиш;

3) чўкиб қолган материал қалинлиги ўртача 100 ммдан ортиб кетишини бартараф этиш учун ҳаракатчан сўриб олиш воситаси ёрдамида аввалги операцияларда олинган ва таркибида чўкиб қолган зарралар бўлган сув оқимини сўриб олиш;

4) камида битта филтрлаш востаси билан ҳаракатчан сўриб олиш воситаси ёрдамида сўриб олинаётган оқимни филтрлаш;

5) филтрланган сувни кўрсатилган камида битта контейнерга қайтариш;

д) кўрсатилган ишлов берилган сувдан оқим бўйича қуйироқдаги жараёнда фойдаланиш, шунингдек кам сарф-ҳарajatлар билан сувга ишлов бериш учун сувнинг умумий ҳажмидан фақат кичик бир қисмини филтрлаш йўли билан сувдаги муаллақ қаттиқ зарраларни йўқотишни таъминлайдиган тизим қуйидагиларни:

- камида битта контейнерга камида битта сув етказиб бериш линияси;

- кўрсатилган контейнернинг тубига маҳкамланган ва чўкиб қолган зарраларни қабул қилувчи воситани ўз ичига олган камида битта контейнерни;

- сувнинг параметрларини бошқариш учун зарур бўлган операцияларни оператор ёки мувофиқлаштириш воситаси томонидан аниқланадиган чегараларда даврий равишда фаоллаштириб турадиган камида битта мувофиқлаштириш воситасини;

- камида битта кўрсатилган мувофиқлаштириш воситаси ёрдамида фаоллаштирадиган камида битта кимёвий моддаларни киритиш воситаси;

- камида битта кўрсатилган контейнернинг туби бўйлаб чўккан зарраларни ўз ичига олган сув оқимини сўриб ҳаракатланадиган камида битта ҳаракатчан сўриб олиш воситасини;

- камида битта кўрсатилган контейнернинг туби бўйича ҳаракатланиши мумкин бўлган камида битта ҳаракатчан сўриб олиш воситасига ҳаракатни узатадиган камида битта ҳаракатланувчи воситани;

- чўккан зарраларни ўз ичига олган сув оқимини филтрлашни таъминлайдиган камида битта филтрлаш воситасини;

- камида битта ҳаракатчан сўриб олиш воситасини ва камида битта филтрлаш воситасини

улайдиган камида битта коллектор линиясини;
 - кўрсатилган камида битта филтрлаш воситасидан кўрсатилган камида битта контейнерга ўтказилган камида битта қайтариш линиясини;
 ва
 - кўрсатилган камида битта контейнердан сувни оқим бўйича камида битта жараён пастга чиқарадиган камида битта чиқариш линиясини ўз ичига олади.

Использование: способы и системы обработки воды в промышленных процессах. **Задача:** поиск способов и систем обработки воды для использования в промышленных процессах при снижении производимых затрат. **Сущность изобретения:** способ обработки воды при низких затратах, предназначенный для использования в промышленных процессах, в котором обеспечивают очистку воды и устранение взвешенных в воде твердых частиц посредством фильтрации небольшой части от общего объема воды, включает:

а) сбор воды с концентрацией общего количества растворенных твердых веществ (ОКРТВ) до 60000 ppm;

б) хранение указанной воды, по меньшей мере, в одном контейнере, где указанный контейнер имеет дно, выполненное с возможностью его тщательной очистки с помощью подвижного средства всасывания;

в) в течение периода продолжительностью 7 суток:

1) для температуры воды вплоть до 35°C - поддержание окислительно-восстановительного потенциала (ОВП) указанной воды, по меньшей мере, 500 мВ в течение минимального периода 1 ч на каждый градус Цельсия температуры воды путем добавления дезинфицирующих веществ в воду;

2) для температуры воды более 35°C и вплоть до 69°C - поддержание ОВП указанной воды, по меньшей мере, 500 мВ в течение минимального количества часов, путем добавления дезинфицирующих веществ в воду, где минимальное количество часов рассчитывают по следующему уравнению:

$(35 \text{ часов}) - (\text{температура воды в } ^\circ\text{C} - 35) = \text{минимальное количество часов, и}$

3) для температуры воды 70°C или более – поддержание ОВП воды указанной воды, по меньшей мере, 500 мВ в течение минимального периода 1 ч;

г) активацию с помощью средства согласования следующих операций, где операции обеспечивают очистку воды и устранение взвешен-

ных твердых веществ путем фильтрации только небольшой части от общего объема воды:

1) введение окисляющих веществ для предотвращения превышения концентрации железа и марганца 1 ppm;

2) введение коагулянтов, флокулянтов или их смеси для предотвращения превышения мутности 5 НЕМ;

3) всасывание потока воды, который содержит осевшие частицы, полученные в предшествующих операциях, с помощью подвижного средства всасывания, для предотвращения превышения толщины осевшего материала в среднем 100 мм;

4) фильтрацию потока, всасываемого с помощью подвижного средства всасывания, по меньшей мере, одним фильтрующим средством, и

5) возврат отфильтрованной воды в указанный, по меньшей мере, один контейнер;

д) использование указанной обработанной воды в процессе ниже по потоку, а также система для обработки воды при низких затратах, которая обеспечивает устранение взвешенных в воде твердых частиц посредством фильтрации небольшой части от общего объема воды, включающая:

- по меньшей мере, одну линию подачи воды, по меньшей мере, в один контейнер;

- по меньшей мере, один контейнер, включающий средство приема осевших частиц, которое прикреплено к дну указанного контейнера;

- по меньшей мере, одно средство согласования, которое периодически активизирует операции, необходимые для регулирования параметров воды, в пределах, определяемых оператором или средством согласования;

- по меньшей мере, одно средство введения химических веществ, которое активируют с помощью указанного, по меньшей мере, одного средства согласования;

- по меньшей мере, одно подвижное средство всасывания, которое перемещается по дну указанного, по меньшей мере, одного контейнера, всасывая поток воды, содержащий осевшие частицы;

- по меньшей мере, одно движущее средство, которое сообщает движение, по меньшей мере, одному подвижному средству всасывания, чтобы оно могло перемещаться по дну указанного, по меньшей мере, одного контейнера;

- по меньшей мере, одно фильтрующее средство, которое обеспечивает фильтрацию потока воды, содержащего осевшие частицы;

- по меньшей мере, одну коллекторную линию, соединяющую указанное, по меньшей мере, од-

но подвижное средство всасывания и указанное, по меньшей мере, одно фильтрующее средство;

- по меньшей мере, одну возвратную линию от указанного, по меньшей мере, одного фильтрующего средства к указанному, по меньшей мере, одному контейнеру, и

- по меньшей мере, одну линию отвода воды из указанного, по меньшей мере, одного контейнера в, по меньшей мере, один процесс ниже по потоку.

(13) В

(21) IAP 2013 0380

(22) 12.09.2011

(51) 8 C 02 F 1/68

(31)(32)(33) 61/469,548, 30.03.2011, US

(31)(32)(33) 13/136,458, 01.08.2011, US

(71) КРИСТАЛ ЛАГУНС (КЮРАСАО) Б.В., NL

(72) ФИШМАНН, Т., Фернандо, CL

(85) 16.09.2013

(86) 12.09.2011, PCT/US2011/051244

(87) 04.10.2012, WO 2012/134527

(54) Бактериялар ва сув ўтлари таъсирида бўлган сувли объектларга кам харажатли экологик хавфсиз ишлов бериш усули ва тизими

Экологически безопасный способ и система обработки водных объектов, находящихся под воздействием бактерий и микроводорослей, при низкой стоимости

(57) Фойдаланиш соҳаси: сувли объектларга ишлов бериш ва сақлаш усуллари ва тизимлари. **Вазифаси:** паст тигизли рекреацион сувдан фойдаланиш учун сувли объектларга ишлов бериш ва сақлашнинг кам харажатли экологик хавфсиз усуллари ва тизимларини излаш.

Ихтиро моҳияти: сувли объектнинг умумий ҳажмидан кичик бир қисмини филтрлаш ёрдамида бактериялар ва сув ўтлари таъсирида бўлган сувли объектларга кам харажатли экологик хавфсиз ишлов бериш усули ва тизими куйидагиларни:

а) эритилган қаттиқ моддаларнинг умумий сони 50000 ppmгача бўлган концентрацияли сувни тўплаш;

б) кўрсатилган сувни камида битта контейнерда сақлашни, бунда кўрсатилган контейнер ичига ўрнатилмаган ҳаракатчан сўриб олиш воситаси ёрдамида яхшилаб тозалаш мумкин бўлган ҳолда ишланган тубга эга;

в) контейнер ичидаги кўрсатилган сувда чўмилувчилар зичлигини бир м³га 0,05 гача чеклаш;

г) 7 суткалик муддат давомида сувнинг 45°C гача бўлган ҳароратида кўрсатилган сувнинг оксидлаш-қайтариш потенциаллини (ОҚП) энг камида 1 соат муддатда сувга ҳароратнинг ҳар бир Цельсий градусига дезинфекцияловчи модда қўшиш йўли билан камида 500 мВ миқдорда ушлаб туриш;

д) куйидаги операцияларни мувофиқлаштириш воситаси ёрдамида фаоллаштириш, бунда ушбу операциялар сувни тозалашни ва сувнинг умумий ҳажмидан фақат кичик бир қисмини филтрлаш йўли билан сувдаги муаллақ қаттиқ зарраларни йўқотишни таъминлайдиган ва шунингдек сувли объектнинг умумий ҳажмидан кичик бир қисмини филтрлаш ёрдамида бактериялар ва сув ўтлари таъсирида бўлган сувли объектларга кам харажатли экологик хавфсиз ишлов бериш ва сақлаш тизими куйидагиларни ўз ичига олади:

- камида контейнерларнинг бирига камида битта оқар сувни етказиб бериш линиясини;

- кўрсатилган контейнер тубининг юзасига маҳкамланган ва чўкиб қолган зарраларни қабул қилувчи воситани ўз ичига олган камида битта контейнерни;

- сувнинг параметрларини бошқариш учун зарур бўлган операцияларни олдиндан берилган чегараларда даврий равишда фаоллаштириб турадиган камида битта мувофиқлаштириш воситасини;

- камида битта кимёвий моддаларни киритиш воситаси;

- камида битта кўрсатилган контейнернинг туби бўйлаб ичига ўрнатилмаган ҳаракатчан сўриб олиш воситасининг ҳаракатини таъминлаш учун камида битта ҳаракатланувчи воситани;

- кўрсатилган камида битта ҳаракатланувчи воситани камида битта сўриб олиш воситаси билан улашни таъминлайдиган камида битта улаш воситасини;

- чўккан зарраларни ўз ичига олган сувни филтрлайдиган камида битта филтрлаш воситасини;

- камида битта ҳаракатчан сўриб олиш воситасини ва камида битта филтрлаш воситасини улайдиган камида битта коллектор линиясини; ва

- кўрсатилган камида битта филтрлаш воситасидан кўрсатилган камида битта контейнерга ўтказилган камида битта қайтариш линиясини ўз ичига олади.

Использование: способы и системы обработки и содержания водных объектов. **Задача:** поиск

экологически безопасных способов и систем обработки и содержания водных объектов при низкой стоимости для рекреационного водопользования низкой плотности. **Сущность изобретения:** экологически безопасный способ обработки и содержания водного объекта, находящегося под воздействием бактерий и микроводорослей, при низкой стоимости, посредством фильтрации небольшой части от общего объема водного объекта, включает:

а) сбор воды с концентрацией общего количества растворенных твердых веществ (ОКРТВ) до 50000 ppm;

б) хранение указанной воды, по меньшей мере, в одном контейнере, где указанный контейнер имеет поверхность дна, выполненную с возможностью ее тщательной очистки с помощью невстраиваемого подвижного средства всасывания;

в) ограничение плотности купающихся до 0,05 купающихся на м³ в указанной воде, содержащейся в контейнере;

г) в течение периодов продолжительностью 7 суток и при температуре воды до 45°С, поддержание окислительно-восстановительного потенциала (ОВП) указанной воды, по меньшей мере, 500 мВ в течение минимального периода 1 ч на каждый градус Цельсия температуры воды, путем добавления дезинфицирующих веществ в воду;

д) активация с помощью средства согласования следующих операций, где операции обеспечивают очистку воды и устранение взвешенных твердых веществ путем фильтрации только небольшой части от общего объема воды, а также систему обработки и содержания водного объекта, находящегося под воздействием бактерий и микроводорослей, при низкой стоимости посредством фильтрации небольшой части от общего объема водного объекта, включает:

- по меньшей мере, одну линию подачи приточной воды, по меньшей мере, в один из контейнеров;

- по меньшей мере, один контейнер, включающий средство приема осевших частиц, прикрепленное к поверхности дна указанного контейнера;

- по меньшей мере, одно средство согласования, которое периодически активизирует операции, необходимые для регулирования параметров воды в их заранее заданных пределах;

- по меньшей мере, одно средство введения химических веществ;

- по меньшей мере, одно невстраиваемое подвижное средство всасывания для перемещения по дну указанного, по меньшей мере, одного

контейнера и всасывания воды, содержащей осевшие частицы;

- по меньшей мере, одно движущее средство для обеспечения перемещения, по меньшей мере, одного невстраиваемого подвижного средства всасывания по дну указанного, по меньшей мере, одного контейнера;

- по меньшей мере, одно соединительное средство, обеспечивающее соединение указанного, по меньшей мере, одного движущего средства с указанным, по меньшей мере, одним средством всасывания;

- по меньшей мере, одно фильтрующее средство для фильтрации воды, содержащей осевшие частицы;

- по меньшей мере, одну коллекторную линию, соединяющую указанное, по меньшей мере, одно подвижное средство всасывания и указанное, по меньшей мере, одно фильтрующее средство, и

- по меньшей мере, одну возвратную линию от указанного, по меньшей мере, одного фильтрующего средства к указанному, по меньшей мере, одному контейнеру.

C 07

(13) B

(21) IAP 2013 0379

(22) 16.02.2012

(51) 8 C 07 C 25/02, C 07 C 43/205, C 07 D 307/80, C 07 F 15/00

(31)(32)(33) 2011-032610, 17.02.2011, JP

(71) ТАКЕДА ФАРМАСЬЮТИКАЛ КОМПАНИ ЛИМИТЕД, JP

(72) ЯМАНО, Мицухиса, ГОТО, Мицутака, КАДЗИВАРА, Такеси, МАЕДА, Хироюки, КОНИСИ, Такахиро, СЕРА, Мисайо, КОНДО, Юитиро, ЯМАСАКИ, Сейдзи, JP

(85) 16.09.2013

(86) 16.02.2012, PCT/JP2012/054337


(87) 23.08.2012 WO 2012/111849

(54) Дигидробензофураннинг оптик фаол ҳосилаларини олиш усули


Способ получения оптически активных производных дигидробензофурана

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** тиббиёт ва фармацевтика, айнан дигидробензофураннинг қуйида келтирилган формулалар оптик фаол ҳосилаларини олиш усули. **Вазифаси:** қуйида келтирилган формулалар GPR40 рецептори агонисти бўлган ва диабет ва унга ўхшаш касалликларни даволаш учун дори воситаси сифатида қўлланадиган бирикманнинг оптик фаол шаклини олиш усулини тақдим этиш. **Ихтиро моҳи-**

яти: (X) формулани бирикманнинг оптик фаол шаклини ёки унинг тузини ва шу кабиларни олиш усули, унда хар бир белги тавсифда келтирилгани каби бўлади.



Использование: медицина и фармацевтика, а именно способ получения оптически активной формы производного дигидробензофурана формулы, представленной ниже. **Задача:** предоставление способом получения оптически активной формы соединения формулы, представленной ниже, которое является агонистом рецептора GPR40 и применяется в качестве лекарственного средства для профилактики или лечения диабета и подобных заболеваний. **Сущность изобретения:** способ получения оптически активной формы соединения формулы (X), где каждый символ такой, как определен в описании, или его соли и подобных.



(21) IAP 2013 0396

(13) B

(22) 23.02.2012

(51) 8 C 07 D 211/58, C 07 D 405/12, C 07 D 401/12, C 07 D 401/06, C 07 D 413/12, A 61 K 31/4468, A 61 K 31/4525, A 61 K 31/4545, A 61 K 31/5375, A 61 P 3/04, A 61 P 3/10, A 61 P 3/00, A 61 P 9/00, A 61 P 25/30, A 61 P 1/00

(31)(32)(33) PCT/CN2011/00298, 25.02.2011, CN

(31)(32)(33) 61/466,070, 22.03.2011, US

(71) ХЕЛСИНН ХЕЛСКЕА СА, СН

(72) ГАРСИА РУБИО, Сильвина, US; ПЕТРА, Клаудио, ЖУЛИАНО, Клаудио, IT; ЛИ, Чжиган, CN

(85) 24.09.2013


(86) 23.02.2012, PCT/US2012/026315

(87) 30.08.2012, WO 2012/116176

(54) Носимметрик мочевиначалар ва уларнинг тиббиётда қўлланилиши


Асимметричные мочевины и их медицинское применение

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** тиббиёт, дори-дармонлар, органик кимё. **Вазифаси:** самарадорлиги яхшиланган ва ножўя таъсирлари сони кам бўлган грелин рецепторининг фаоллигини модуллайдиган янги бирикмаларни олиш. **Ихтиро моҳияти:** патофизиологик равишда грелин рецептори билан чақириладиган касалликларни бартараф этиш ва/ёки даволаш бирикмалари, композициялари ва усуллари очиб берилган. Бирикмалар куйидаги (I) умумий формулага эга:



Формула (I)

Использование: медицина, лекарства и медикаменты, органическая химия. **Задача:** получение новых соединений, которые модулируют активность грелинового рецептора с улучшенной эффективностью и меньшим числом нежелательных побочных явлений. **Сущность изобретения:** раскрываются соединения, композиции и способы предотвращения и/или лечения заболеваний, которые патофизиологически опосредуются грелиновым рецептором. Соединения имеют общую формулу (I):



Формула (I)

(13) B

(21) IAP 2013 0384

(22) 22.02.2012

(51) 8 C 07 D 333/22, C 07 D 409/04, A 61 K 31/381, A 61 P 25/28

(31)(32)(33) 242/KOL/2011, 23.02.2011, IN

(31)(32)(33) 1184/KOL/2011, 09.09.2011, IN

(71) ЛЮПИН ЛИМИТЕД, IN

(72) СИНХА, Нилима, ДЖАНА, Гоурхари, САЧЧИДАНАНД, Саччидананд, КУРХАДЕ,

Санджай, Пралхад, КАРСЕ, Навнатх, Попат, НАДЖАРЕ, Анил, Каширам, ТИЛЕКАР, Аджай, Рамчандра, ПАЛЛЕ, Венката, П., КАМБОДЖ, Раджендер, Кумар, IN

(85) 16.09.2013


(86) 22.02.2012, PCT/IB2012/050806

(87) 30.08.2012, WO 2012/114285

(54) Гетероарил хосилалар


Гетероарильные производные

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** органик кимё, тиббиёт ва фармацевтика. **Вазифаси:** Альцгеймер касаллиги, кучсиз когнитив бузилиш, сенил деменция ва шу каби касалликларни самарали даволаш ва олдини олиш учун мўлжалланган янги бирикмани яратиш. **Ихтиро моҳияти:** I формулани бирикма:



Унда Z, m ва R¹-R⁶ ушбу ҳужжатда тавсифлангани каби бўлади, шунга муҳтож бўлган субъектда айниқса α7 подтипидаги никотин ацетилхолин рецепторлари модулятори сифатида, шунингдек, алоҳида ёки бошқа мос келадиган дори препаратлари билан уйғунликда қўллаш учун шу бирикманинг аналоглари, дори шакллари, изотоп алмашingan аналоглари, метаболитлари, фармацевтик макбул тузлари, полиморфлари, сольватлар, изомерлари, клатратлари ва қўшма кристаллари ва шундай бирикма ва аналогларни ўз ичига олган фармацевтик композициялар келтирилган. Шунингдек, бирикмаларни олиш усуллари ва уларни терапияда қўллаш, айниқса Альцгеймер касаллиги, кучсиз когнитив бузилиш, сенил деменция ва шу каби касалликларни олдини олиш ва даволаш учун қўллаш очиб берилган.

Использование: органическая химия, медицина и фармацевтика. **Задача:** создание нового соединения, предназначенного для эффективной терапии и профилактики расстройств, таких, как болезнь Альцгеймера, умеренное когнитивное нарушение, сенильная деменция и т.п. **Сущность изобретения:** соединение формулы I:



где Z, m и R¹-R⁶ являются такими, как описано в настоящем документе, в качестве модулятора никотиновых ацетилхолиновых рецепторов, особенно подтипа α7, у субъекта, нуждающегося в этом, а также его аналоги, пролекарства, изотопно замещенные аналоги, метаболиты, фармацевтически приемлемые соли, полиморфы, сольваты, изомеры, клатраты и совместные кристаллы для применения либо отдельно, либо в комбинации с подходящими другими лекарственными препаратами и фармацевтические композиции, содержащие такие соединения и аналоги. Также раскрыт способ получения соединений и их предполагаемое применение в терапии, особенно для профилактики и терапии расстройств, таких, как болезнь Альцгеймера, умеренное когнитивное нарушение, сенильная деменция и т.п.

(13) B

(22) 23.02.2012

(21) IAP 2013 0402

(51) 8 C 07 D 471/04

(31)(32)(33) 61/446,572, 25.02.2011, US

(71) АйАрЭм ЭлЭлСи, US

(72) МОЛЬТЕНИ, Валентина, ФАНЬ, И, ЛОРЕН, Джон, СМИТ, Джеффри М., ФЛЭТТ, Брентон, Т., US

(85) 25.09.2013

(86) 23.02.2012, PCT/US2012/026377

(87) 30.08.2012, WO 2012/116217

(54) TRK ингибиторлари сифатидаги бирикмалар ва композициялар

Соединения в композиции в качестве ингибиторов TRK


(57) **Фойдаланиш соҳаси:** тиббиёт ва фармацевтика, айнан бирикмалар, бу бирикмаларни ўз ичига олган фармацевтик композициялар ва ушбу бирикмаларни TRK ингибиторлари сифатида қўллаш мумкин бўлган дори

R³

(I)

воситасини ишлаб чиқиш. **Ихтиро моҳияти:** (I) формулага эга бўлган бирикмалар ва уларнинг фармацевтик мақбул тузлари, фармацевтик мақбул сольватлари (масалан, гидратлари), N-оксидли ҳосилалар, ҳимояланган ҳосилалар, индивидуал стереоизомерлар ва стереоизомерларнинг аралашмалари ва TRKA, TRKB ва/ёки TRKC киназа ингибиторлари сифатида қўллаш мумкин бўлган кўрсатилган бирикмаларни ўз ичига олган фармацевтик композициялар.

Использование: медицина и фармацевтика, а именно соединения, фармацевтические композиции, содержащие такие соединения, и способы применения таких соединений для лечения или предотвращения заболеваний или нарушений, связанных с аномальной или регулируемой активностью TRK-киназы. **Задача:** разработка лекарственного средства, которое применимо в качестве ингибиторов киназ TRKA, TRKB и/или TRKC. **Сущность изобретения:** соединения, имеющие формулу (I):



Формула (I)

и их фармацевтически приемлемые соли, фармацевтически приемлемые сольваты (например, гидраты), N-оксидные производные, защищенные производные, индивидуальные стереоизомеры и смеси стереоизомеров и фармацевтические композиции, содержащие указанные соединения, которые применимы в качестве ингибиторов киназ TRKA, TRKB и/или TRKC.

C 09

(13) B

(21) IAP 2013 0406

(22) 30.09.2013

(51) 8 C 09 K 7/02

(71) Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети, UZ

Ташкентский государственный технический университет имени Абу Райхана Беруни, UZ

(72) Кадыров Абдусами Абдувасикович, Мирзаев Аскар Джураевич, Кадыров Нодир Абдусамикович, Гаилов Жасур Абдумаликович, UZ

(54) Эмульсион эритмалар тайёрлаш учун сиртки-фаол моддани олиш усули
Способ получения поверхностно-активного вещества для приготовления эмульсионных растворов

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** нефт ва газ саноати, геологик қидирув ишлари ва кончилик саноати, айнан кудуқларни бурғилашда бурғилаш эритмаси таркибига қирадиган материалларни тайёрлаш технологияси. **Вазифаси:** энергия сарфини камайтириш ва саноат ишлаб чиқаришининг иккиламчи материалларидан фойдаланиш ҳисобига камёб қимёвий хом ашё сарфини камайтириш. **Ихтиро моҳияти:** эмульсион эритмалар тайёрлаш учун сиртки-фаол моддани олиш усули каустик сода эритмаси билан ишлов берилган госсипол смоласидан фойдаланиб ва ацетиленнинг ишлатилиб бўлган (таркибида $Al_2O_3 > 50\%$ бўлган) гидрогенизация катализаторини ва кукунсимон қўнғир кўмир чикиндисини қўшиб ёғ-мой ишлаб чиқариши чикиндисини берилган ҳароратда аралаштириш йўли билан компоненталарнинг қуйидаги нисбатларида амалга оширилади (масса қисмларида):

Госсипол смоласи	40-55
Қўнғир кўмир кукун	20-25
Сув	34,3-13,1
Каустик сода	5,0-6,0

ШГХК чикиндиси (таркибида $Al_2O_3 > 50\%$) бўлган Al_2O_3) 0,7-0,9

Использование: нефтегазовая промышленность, геологоразведка и горная промышленность, а именно технология приготовления материалов, составляющих буровой раствор, при бурении скважин. **Задача:** снижение энергозатрат и уменьшение расхода дефицитного химического сырья за счет использования вторичных материалов промышленного производства. **Сущность изобретения:** способ получения поверхностноактивного вещества для приготовления эмульсионных растворов путем смешения отхода масложирового производства при заданной температуре с использованием госсиполовой смолы, обработанной водным раствором каустической соды с добавкой отработанного катализатора гидрогенизации ацетилена(содержащего $>50\% Al_2O_3$) и отхода порошкообразного бурого угля, при следующем соотношении компонентов (массовые части):

Госсиоловая смола	40-55
Порошок бурого угля	20-25
Вода	34,3-
Каустическая сода	5,0-6,0
Отход ШГХК (с содержанием > 50% Al ₂ O ₃)	0,7-0,9

(13) В

- (21)** IAP 2013 0400
(51) 8 C 09 K 8/74
(31)(32)(33) 61/446,599, 25.02.2011, US
(31)(32)(33) 13/368,252, 07.02.2012, US
(71) ПЬЮЭ ЛИКВИД СОЛЮШЕНС, ЛЛК, US
(72) МАККУББИНС, Рей Вудроу, УАЙТИНГ, Нейтан Джаред, ШИЛЛРЕФФ, Фред Винсент, МИЛЛЕР, Ларри Джордж, МИЛЛЕР, Терон Глейд, US
(85) 25.09.2013
(86) 09.02.2012, PCT/US2012/024545
(87) 30.08.2012, WO 2012/115792
(54) Саноатда қўлланиладиган металл нано-заррачаларидан биоцид
Биоцид из металлических наночастиц в промышленных применениях

(57) Фойдаланиш соҳаси: кимё, моддалар ва таркиблардан, хусусан, бурғилаш ва бурғилаш кудукларига ишлов бериш учун таркиблар, айнан, ёриқ ва узилишларни ҳосил қилиш учун ер ости формациясига таъсир этиш йўли билан ишлаб чиқаришни кучайтириш учун махсус мақсадлар учун қўшимчалар билан комбинацияланган таркиблар. **Вазифаси:** инсон ва атроф-муҳит учун паст захарлиликка эга бўлган, парчаланиш ва бузилишларга нисбатан барқарор, сульфат-тикловчи бактериялар ва водород сульфидларига қарши самарали биоцидларни ишлаб чиқиш. **Ихтиро моҳияти:** металл нано-заррачаларидан олинган материални ер ости фаоллигида қўллаш усули металл нано-заррачаларидан олинган материалнинг ўлчанган порциясини олишни ва ташувчи материал ва металл нано-заррачаларидан олинган материални ер ости фаоллигида қўллашдан олдин ташувчи материалга дастлабки ишлов бериш учун металл нано-заррачаларидан олинган материалнинг ўлчанган порциясини қўшишни ўз ичига олади. Бошқа усул ер ости тешигига ер ости фаоллигида киришни амалга оширишни, металл нано-заррачаларидан олинган материалнинг бир қисмини ер ости тешигига киришни ва ер ости тешиги орқали ер ости участ-

касидаги шароитларга ишлов беришни ўз ичига олади.

Использование: химия, различное использование веществ и составов, в частности, составы для бурения и обработки буровых скважин, а именно составы для стимулирования производства путем воздействия на подземную формацию для образования трещин или разрывов, комбинированные с добавками для особых целей. **Задача:** разработка биоцидов, имеющих более низкую токсичность для человека и окружающей среды, стабильных от разложения и разрушения, и эффективных против сульфат-восстанавливающих бактерий и сероводородов. **Сущность изобретения:** способ применения материала из металлических наночастиц при подземной активности включает получение отмеренной порции полученного материала из металлических наночастиц и добавление отмеренной порции полученного материала из металлических наночастиц к материалу-носителю для предварительной обработки материала-носителя перед применением материала-носителя и полученного материала из металлических наночастиц в подземной активности. Другой способ включает осуществление доступа к подземному отверстию, применяемое при подземной активности, введение некоторого количества полученного материала из металлических наночастиц в подземное отверстие и обработку подземного условия, присутствующего в подземном участке, доступном через подземное отверстие.

С 10**(13) В**

- (21)** IAP 2013 0365
(51) 8 C 10 G 47/00, C 10 G2/00
(31)(32)(33) 2011-022916, 04.02.2011, JP
(71) Джэпэн Ойл, Гэз энд Металз Нэшнл Корпорейшн; ИНПЕКС КОРПОРЕЙШН; ДжейЭкс Ниппон Ойл энд Энерджи Корпорейшн; Джипан Петролеум Эксплорейшн Ко., Лтд.; КОСМО ОЙЛ КО., ЛТД.; НИППОН СТИЛ ЭНД СУМИКИН ИНДЖИНИРИНГ КО., ЛТД., JP
(72) ИВАМА, Марие, ТАСАКА, Казухико, ТАНАКА, Юити, JP
(85) 04.09.2013
(86) 31.01.2012, PCT/JP2012/052149
(87) 09.08.2012 WO 2012/105559

(54) Углеводород мойини ишлаб чиқариш усули

Способ производства углеводородного масла

(57) Фойдаланиш соҳаси: нефт ва газ саноати, айнан Фишер-Тропш реакциясидан фойдаланиб углеводород мойини ишлаб чиқариш усули. **Вазифаси:** гидрокрекинг катализаторининг емирилишини енгишга ва парафин фракцияси гидрокрекинги самарадорлигини пасайтирмасдан катализатордан узлуксиз фойдаланиш муддатини узайтиришга имкон берадиган углеводород мойини ишлаб чиқариш усулини таъминлаш. **Ихтиро моҳияти:** углеводород мойини ишлаб чиқариш усули таркибида қайнаш нуктаси 360°C дан ошмаган углеводородлар бўлган углеводород мойи чиқишини қайта ишлаш керак бўлган парафинни узлуксиз етказиш ва гидрокрекинглаш орқали амалга оширишга имкон беради. Усул навбатма-навбат қуйидагиларни қўзда тутди: крекинг тезлиги қуйида эслатиб ўтилган (1) формула ёрдамида аниқланган бўлса, қайта ишлаш керак бўлган парафиннинг гидрокрекинглаш даври қуйида келтирилган (2) формулани каноатлантирадиган $X_1(\%)$ дан иборат бўлади; ва крекинг тезлиги қуйида келтирилган (2) формулани каноатлантирадиган $X_1(\%)$ дан иборат бўлади. Крекинг тезлиги $\% = [(\text{қайнаш нуктаси } 360^{\circ}\text{C} \text{ дан баланд бўлган углеводороднинг } 1\text{ г қайта ишлаш керак бўлган парафиндаги микдори}) - (\text{қайнаш нуктаси } 360^{\circ}\text{C} \text{ дан баланд бўлган углеводороднинг } 1\text{ г гидрокрекинг маҳсулотигаги микдори})] \times 100 / (\text{қайнаш нуктаси } 360^{\circ}\text{C} \text{ дан баланд бўлган углеводороднинг } 1\text{ г қайта ишлаш керак бўлган парафиндаги микдори})$. (1); $30 \leq X_1 \leq 90$... (2); ва $0,1 < X_2/X_1 < 0,9$... (3).

Использование: нефтяная и газовая промышленность, а именно способ производства углеводородного масла с использованием реакции Фишера-Тропша. **Задача:** обеспечение способа производства углеводородного масла, который позволяет подавить разрушение катализатора гидрокрекинга и продлить время непрерывного использования катализатора без снижения эффективности гидрокрекинга парафиновой фракции. **Сущность изобретения:** способ производства углеводородного масла позволяет осуществить выход углеводородного масла, содержащего углеводороды, имеющие точку кипения не более, чем 360°C , посредством непрерывного подвода и гидрокрекинга парафина, подлежащего переработке. Способ поочередно предусматривает: период для гидрокрекинга

парафина, подлежащего переработке, при условиях, что скорость крекинга, определяемая посредством упомянутой ниже формулы (1), представляет собой $X_1(\%)$, удовлетворяющую упомянутой ниже формуле (2); и период для гидрокрекинга при условиях, что скорость крекинга представляет собой $X_2(\%)$, удовлетворяющую упомянутой ниже формуле (3). Скорость крекинга $(\%) = [(\text{содержание углеводорода, имеющего точку кипения, превышающую } 360^{\circ}\text{C}, \text{ содержащегося в } 1 \text{ г парафина, подлежащего переработке}) - (\text{содержание углеводорода, имеющего точку кипения, превышающую } 360^{\circ}\text{C}, \text{ содержащегося в } 1 \text{ г продукта гидрокрекинга})] \times 100 / (\text{содержание углеводорода, имеющего точку кипения, превышающую } 360^{\circ}\text{C}, \text{ содержащегося в } 1 \text{ г парафина, подлежащего переработке})$... (1); $30 \leq X_1 \leq 90$... (2); и $0,1 < X_2/X_1 < 0,9$... (3).

C 12

(13) B

(21) IAP 2013 0392

(22) 19.09.2013

(51) 8 C 12 G 3/00, C 12 G 3/04, C 12 G 3/06

(71) (72) Худайбердиев Джура Туланбаевич, UZ

(54) Махсус арок учун ингредиентлар композицияси

Композиция ингредиентов для водки особой

(57) Фойдаланиш соҳаси: ликер-арок ишлаб чиқариш саноати, айнан, алкоголь ичимликларни, хусусан, арокни ишлаб чиқариш. **Вазифаси:** таклиф этилаётган арокни машхур навлар орасидан осон таниб олинадиган ўзига хос ёқимли хушбўй хиди, шунингдек, маҳсулотга ёрқин индивидуал характер бағишлайдиган алоҳида хира-оқ ранги каби яхшиланган органолептик кўрсаткичлари билан ажралиб турадиган арокни ишлаб чиқариш учун ингредиентлар композициялари ассортиментини кенгайтириш. **Ихтиро моҳияти:** махсус арок учун ингредиентлар композицияси қуйидагиларни ўз ичига олади (1000 дал тайёр маҳсулотга л ҳисобида): шакар қиёми (5,8 -20), қотирилган жавдар ноннинг сув-спиртли дамламаси (0,5 -5), еркалампир илдизининг сув-спирт дамламаси (0,1-5), сув-спирт аралашмани хиралантирувчи (7-20), купажнинг 40 % ўткирлиги ҳисоби бўйича).

Использование: ликеро-водочная промышленность, а именно производство алкогольных напитков, в частности, водочных изделий. **За-**

дача: расширение ассортимента композиций ингредиентов для изготовления водки с улучшенными органолептическими показателями, которые будут выделять предлагаемую водку среди известных марок достаточно легко узнаваемым характерным приятным ароматом, а также с особым мутно-белым цветом, придающим изделию яркий индивидуальный характер и привлекательность. **Сущность изобретения:** композиция ингредиентов для водки особой содержит (л на 1000 дал готового продукта): сахарный сироп (5,8 -20), водно-спиртовой настой ржаных сухарей (0,5 -5), водно-спиртовой настой корней хрена (0,1-5), замутнитель (7-20) водно-спиртовую смесь (по расчету на крепость купажа 40 %).

(13) В

(21) IAP 2013 0391

(22) 18.09.2013

(51) 8 C 12 N 15/04

(71) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва Сув хўжалиги вазирлиги, "ЎЗПАХТАСАНОАТ" уюшмаси Геномика ва биоинформатика маркази, UZ

Центр геномики и биоинформатики Академии наук Республики Узбекистан, Министерства сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан, Ассоциации "УЗПАХТАСАНОАТ", UZ

(72) Эгамбердиев Шароф Шухратович, Салахутдинов Ильхом Бахтиярович, Раджапов Фарход Суннатуллаевич, Муллаохунов Бахтиёр Турсунохун ўғли, Абдурахмонов Иброхим Юлчиевич, UZ

(54) *Fusarium oxysporum* f.sp. *vasinfectum* нинг 3 ва 8-расаларини аниқлаш учун аллель специфик праймерлар

Аллель -специфические праймеры для идентификации 3 и 8 расы *Fusarium oxysporum* f.sp. *vasinfectum*

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** ген муҳандислиги, айнан *Fusarium oxysporum* f.sp. *vasinfectum* туридаги гўза вилтини чакирадиган патогеннинг 3 ва 8-расаларини аллель - специфик ПЦР услуги асосида тезкор, арзон ва самарали аниқлаш.

Вазифаси: юқори даражада ўзига хосликка, репрезентативликка эга бўлган ва *Fusarium oxysporum* f.sp. *vasinfectum* фитопатогени 3 и 8 расаларини ишончли аниқлашга имкон берадиган аллель специфик праймерларни ишлаб чиқиш.

Ихтиро моҳияти: FOV 3 и 8 расаларини аниқлаш учун аллель специфик праймерлари ДНК-

ни ажратиб олиш ва амплификациялашни, праймерларни осеквенирлаш, дизайни (конструкциясини тузишни) ўз ичига олади. Замбуруғ фитопатогенларидан ажратиб олинган ДНК патогеннинг 3 ва 8-расаларига нисбатан специфик бўлган ишлаб чиқилган праймерлар бўйича амплификацияланади, кейин ампликон визуализациялаш учун гель электрофорез усулидан фойдаланилади. Амплификация мавжудлиги намунада патогеннинг 3 ва 8-расалари борлигини кўрсатади.

Использование: генетическая инженерия, а именно быстрая, дешевая и эффективная идентификация рас 3 и 8, патогена, вызывающего вилт хлопчатника вида *Fusarium oxysporum* f.sp. *vasinfectum*, на основе метода аллель-специфического ПЦР. **Задача:** разработка аллель-специфических праймеров, обладающих высокой специфичностью, репрезентативностью, и позволяющих достоверно определять 3 и 8 расу фитопатогена *Fusarium oxysporum* f.sp. *vasinfectum*. **Сущность изобретения:** аллель-специфические праймеры для определения 3 и 8 расы FOV включают выделение и амплификацию ДНК, секвенирование, дизайн (конструирование) праймеров. Выделенную из грибных фитопатогенов ДНК амплифицируют по разработанным праймерам, которые являются специфичными для 3 и 8 расы патогена, далее используют метод гель - электрофореза для визуализации ампликонов. Наличие ампликации говорит о присутствии 3 или 8 расы патогена в пробе.

С 21

(13) В

(21) IAP 2013 0367

(22) 09.02.2012

(51) 8 C 21 B 13/00, F 27 D 3/18

(31)(32)(33) 2011900420, 09.02.2011, AU

(71) ТЕКНОЛОДЖИКАЛ РЕСОРСИЗ ПТИ. ЛИМИТЕД, AU

(72) ДРИ, Родни Джеймс, AU

(85) 05.09.2013

(86) 09.02.2012, PCT/AU2012/000125

(87) 16.08.2012, WO 2012/106769

(54) Тўғри эритиш усули

Способ прямой плавки

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** металлургия. **Вазифаси:** таркибида металл бўлган материални барқарор ва тежамкор равишда тўғри эритишни таъминлаш учун металл қатламидан кўтарила-

диган зарур бўлган материал оқимини ҳосил қилиш. **Ихтиро моҳияти:** таркибида металл бўлган материални тўғри эритиш ва чуқурлиги 900 ммдан кам бўлмаган металл қатламига эга бўлган эритма ваннасини ўз ичига олган тўғри эритиш учун идишда металл эритмасини ишлаб чиқариш учун эритма ваннаси асосидаги усул. Усулда жараённинг ишчи параметрлари шундай танланадики, хом ашёни (қаттиқ материал ва ташувчи газ) пуркаш металл қатлами устида ва металл қатлами ичига камда битта қаттиқ материални пуркаш учун фурма орқали металл қатламининг тинч ҳолатдаги сиртидан 100 ммдан кам бўлмаган чуқурликка кириб бориб эриган материал ва газнинг кўтариладиган ҳаракатини ҳосил қилиш учун етарли импульс билан амалга оширилади.

Использование: металлургия. **Задача:** достижение необходимого восходящего потока расплавленного материала из слоя металла для обеспечения устойчивой и экономичной прямой плавки металлосодержащего материала. **Сущность изобретения:** способ на основе ванны расплава для прямой плавки металлосодержащего материала и производства расплава металла в емкости для прямой плавки, которая содержит ванну расплава со слоем металла, глубина которого составляет не менее 900 мм. Способ включает выбор рабочих параметров процесса таким образом, чтобы вдувание сырья (твердый материал и газ-носитель) над слоем металла и в слой металла через ,по меньшей мере, одну фурму для вдувания твердого материала происходило с достаточным импульсом для проникновения на глубину не менее 100 мм ниже уровня поверхности слоя металла в спокойном состоянии с тем, чтобы вызывать восходящее движение расплавленного материала и газа из слоя металла.

(13) В

(21) IAP 2013 0373

(22) 10.09.2013

(51) 8 C 21 D 8/04, C 22 F 1/08, B 21 B 3/00, C 22 C 9/04

(71) «Ўзбекистон металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти, UZ
Открытое акционерное общество «Узбекский металлургический комбинат», UZ

(72) Хасанов Айрат Магарифович, Пирматов Рашид Хусанович, Аблязизов Эдем Решатович, Коровин Владимир Ильич, Стулов Анатолий Валерьевич, Фарманов Александр Касымович, UZ

(54) Совук ҳолатда ҳайдалган жез тасмасини олиш усули

Способ получения холоднокатаной ленты из латуни

